



Ислом Нури

Аллоҳ таоло айтади: **«Сизлар учун никоҳи ҳалол бўлган аёлларга иккита, учта, тўрттадан уйланаверинглар»** (Нисо: 3).

«...» (Нисо: 3).

Абдуллоҳ ибн Масъуд розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: «Эй ёшлар, сизлардан қай бирингизнинг уйланишга қурби етса, уйлансин, чунки уйланиш кўзни тияди ва авратларни (ҳаромдан) сақлайди. Агар қурби етмаса, рўза тутсин, чунки рўза у учун қалқондир» (Муттафақун алайҳ).

«...» (Муттафақун алайҳ).

Абдуллоҳ ибн Амр розияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: «Дунё мато-неъматдир ва дунё матоларининг энг яхшиси солиҳа аёлдир» (Имом Муслим ривояти).

Шарҳ:

Аллоҳ таоло инсонларни турмуш қуриб, жуфт-жуфт бўлиб яшашга табиатлантирган, бу Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ҳам суннатлари бўлиб, у зот турмуш қуришга буюрганлар, унга тарғиб



қилганлар. Чунки бунда гуноҳдан сақланиш, нафс поклиги ва мусулмон наслининг кўпайиши ҳосил бўлади.

Бугунги дарсдан олинadиган фойдалар:

1. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам турмуш қуришга тарғиб қилганлар;
2. Дунё неъматлари ичида энг яхшиси солиҳа аёлдир.